

**ИККИНЧИ ТИЛИНИ ЎРГАНИШДАГИ ХАТО ВА ҚИЙИНЧИЛИКЛАР  
ПСИХОЛИНГВИСТИК МУАММО СИФАТИДА**

**Ахмедова Муяссар Хадиматовна,  
пс.ф.д., ТДПУ Умумий психология  
кафедраси проф. в/б.,**

**Исмоилов Жавоҳир Алишер ўғли,  
Тошкент кимё-технология институти  
Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси  
E-mail: tuyassaraxmedova1968@gmail.com**

**Resume.** In recent years, many studies have begun to appear in world psychology and linguistics on issues of the psyche, language, and speech activity. Because the bulk of information reaches human consciousness through the linguistic direction. The article psycholinguistics the sphere of human education psychology and tiling are the foundations of personality psychology. Also, errors and difficulties in learning a second language were seen as a psycholinguistic problem. And his research is expressed on the basis of scientific sources.

**Keywords:** error; articulations, personal, psychic, semantic, morphological, orthographic, phonetic, speech, language.

Тил - бу амалий, ҳақиқий онг маҳсули бўлиб, унда инсониятнинг нафақат ижтимоий, тарихий тажрибаси, балки конкрет жамият қатламининг ижтимоий мавқеи ҳам акс этади. Тил белгили табиатга ва тизимли тузилишга эга, шу боис у универсал мулоқот воситаси бўлиб қолаверади. Турли тил воситаларини танлаш ва фаоллаштириш ҳар қандай конкрет вазиятда мулоқот мақсадлари, вазифалари ва шароитларига, шу билан бирга ижтимоий муҳит, маълум ёшдаги гурӯҳ ва бошқа кўплаб омилларга боғлиқ бўлади. Ҳозирги вақтда тилни инсоннинг мулки сифатида ўрганиш психолингвистиканинг муҳим йўналиши сифатида ривожланиб бормоқда[2.22]. Бунда айниқса тил ўрганиш жараёни кенг тарқалган фаолият ҳисобланади.

Маълумки, она тил билан чет тилини ўрганиш жараёнлари ўртасида фарқларга қараганда ўхшаш жиҳатлар кўпроқ кузатилади. Она тили ва чет тилидаги нутқий фаолиятдаги механизмлар бир хил ҳисобланади. Дастрлаб шунинг учун тил ўрганувчилар нутқий ўсиш, ривожланишнинг ўхшаш босқичларини босиб ўтадилар, ўхшаш хатоларга йўл қўйишлари мумкин. Унда кескин фарқлар деярли кузатилмайди. Шуниси ҳам аҳамиятлики, индивид, чет тилини ўрганишга “сўзловчи мавжудод” сифатида киришади.

Р.Якобсон ёзганидек, «бир тил кодидан бошқасига ўтиш мумкин ва бу тилларнинг изомофлиги туфайли амалда содир бўлади: уларнинг структуралари асосида бир хил умумий тамойиллар ётади»[3.84]. Бошқа

тадқиқотчилар яна шуни ҳам таъкидлайдиларки, хатолар механизми ҳам принципиал жиҳатдан бола томонидан тилни эгаллаш ва катталар томонидан иккинчи тилни ўрганиш жараёнига айнан ўхшаш. Шу билан бирга чет тилини ўрганиш она тилини ўрганишдан фарқли жиҳатларга ҳам эга. Жумладан, она тилини ўрганишда тайёр схемалар бўлмайди, тил ҳодисаларини номаълум тил тизими билан солиштириш қийинлашади

Ҳам лисоний, ҳам когнитив эталонлар фақат бола онгига шаклланади. Чет тилини ўрганаётганлардан ўз она тили тизими ва меъёрлари ҳақидаги тасаввурларни «ўчириб қўйиши»га тўғри келади. Айнан шунинг учун киши чет тилида сўзлашишга ўтаётганида инерцияга кўра ўзига таниш ва одатий бўлиб қолган синтаксик структураларни ва лексик-семантик категорияларга ажратиш кўникмларни қўллайди. Яна шуниси ҳам кўзга ташланадаики, унинг нутқи она тилига хос артикуляцион аппарат ҳаракатларидан ҳоли бўла олмайди. Мутахассислар томонидан чет тилларни ўзлаштиришда қўйидагича хатолар кузатилишини таъкидлаган:

Фонетик хатолар – сўз ёки интоацион конструкциянинг фонетик кўринишини бузилиши.

График ва орфографик хатолар ёзувда қўйидаги ҳолатларда юзага келади:  
а) график кўникма шаклланмаган бўлса; б) товушларни уларга мос ҳарфларга қайта кодлаш кўникмаси йўқ; в) орфографик кўникманинг мавжуд эмаслиги, яъни конкрет ҳолатларда ёзма белгилардан фойдаланиш тизимининг эгалланмаганлиги; г) тилнинг «ноалифбовий унсурлар»идан фойдаланиш кўникмасининг йўқлиги.

Морфологик хатолар. Уларга тил бирликларини бир-бирига мослаштиришда учрайдиган бузилишлар киради. Маслан: катта стол, большая стол (*французчада la table, яъни женский родга тегишилилк борлиги учун*)

Лексик хатолар — сўзларни нотўғри қўллаш. Бунда улар тил меъёрларидаги ва узусдаги хатоларга бўлинади.

Синтаксик хатоларга сўз биримларидаги сўз шаклларини қўллашдаги ва гап тузилишидаги бузилишлар киради[3.85].

Чет тилини ўрганиш даврига келганида шахсада, одатда она тилини ўрганишдек мустаҳкам кўникмалар шаклланиб бўлган бўлади. Шунинг учун улар янги тил кўникмаларини шаклланишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бунда мавжуд кўникмаларнинг кўчиши содир бўлади. Агар тил ҳодисалари ўхшаш бўлса улар ижобий таъсирга эга бўлади. Акс ҳолда улар салбий бўлади. Бундай кўчиш, яъни чети тилини ўрганишда она тилининг салбий таъсири

интерференция деб номланади. Шуниси қизиқки, интерференция кўпинча, лисоний ҳодисалар бир-биридан фарқли эмас, балки ўхшаш бўлганида ҳам намоён бўлади.

Икки лисоний тизимларнинг контрастив таҳлили асосида эндиликда содир бўладиган хатоларни башорат қилиш анча мураккаб иш. Бу у ёки бу грамматик ҳодисанинг функционал аҳамияти, қўлланиш частотаси ва унинг тил тизимидағи ўрнини ҳисобга олиш зарурлиги билан изоҳланади.

Хатоларга нисбатан коммуникатив ёндашувда нутқ мазмунини тушунишга халақит берувчи ва бермайдиган хатолар ҳам фарқланади. Масалан, французнинг [r] товушини французча талаффуз қилиши ўзбек тили ташувчисига халақит бермайди, чунки у маъно фарқловчи функцияга эга эмас.

Чет тилини ўргатиш жараёнида хатолар асосида ётган боғланиш ёки қонуниятни аниқлаб уларни бартараф этиш зарур ҳисобланади. Бошқача айтганда, тажрибали ўқитувчи, чет эллик талабани тинглаганди, аввал уни мақтайди, кейин эса бузилган тил қоидаларини қайта ишлаб чиқиш учун бир қатор машқларни бажаришни таклиф этади. Иккинчи тилидан фойдаланиш жараёнида хатоларга йўл қўймасликнинг асло иложи йўқ. Юзага келадиган нутқий хатоларни контрастив ёндашув асосида таҳлил қилишда уларнинг қўйидаги турлари фарқланади: она тилининг тил ўрганувчига таъсири билан боғлиқ тиллараро хатолар (interlingual errors), яъни кўчиш (перенос) (transfer); тил ичидаги хатолар (intralingual errors), улар тилни эгалалаш ҳусусиятларини акс эттиради.

Тил ичидаги хатолар «ривожланиш, ўсиш хатолари» (developmental errors) сифатида чет тилини ўрганувчилар олдиларига қўйилган янги тилни ўрганишдек масалани осонлаштиришга хизмат қиласи ва бунда ўрганувчилар бир қатор стратеггияларни ишга соладилар:

- 1) ўта генерализациялаш (overgeneralization) — айрим қоидалардан фойдаланиш чегарасидан чиқиш;
- 2) айрим қоидаларни қўллашга нисбатан чекланишларни инкор этиш (ignorance of rule restrictions) — берилган қоидага тўғри келмайдиган лисоний материалга ўша қоидани қўллаш;
- 3) қоидадан тўлиқ фойдаланмаслик (incomplete application of rules) мураккаб қоидалар ўрнига соддароқларидан фойдаланиш;
- 4) ўрганилаётган тилдаги лисоний ҳодисаларнинг айрим ҳусусиятларини нотўғри тушуниш ва бошқалар натижаси сифатида ўрганилаётган лисоний ҳодисага нисбатан хато фаразларни шакллантириш (false concepts hypothesis)

[3.86].

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, чет тилини ўрганаётган киши, нафақат янги қоидаларни (баъзан хато) қўллаши мумкин, балки ўз она тилисида ўхшали бўлмаган чет тилининг айрим қоидаларини ишлатмаслиги ҳам мумкин. Бошқача айтганда, у бир тизимнинг иккинчисига ўтказувчи пассив “транслятор” сифатида эмас, балки нутқий фикрлаш имкониятини намоён этади. Хусусан, чет тилини умумий ўрганиш стратегияси янги маънони ўзлаштиришни осонлаштиришга қаратилган маълум билимлар асосида мия қобигидаги асосий психик жараённинг кўринишларидан бири бўлиши мумкин.

Кишилар орасидаги мавжуд индивидуал тафовутлар чет тилини ўрганиш усулларини аниқлашга ёрдам беради. Масалан, Бетти Ливер кузатишларига қараганда, ўқувчилар бир-бирларидан қабул қилиш қобилиятларига қараб фарқланишлари мумкин. Нейролингвистий программалаштириш дастурига кўра одамларнинг кўриш, эшитиш қобилияти, моторли қабул қилиш хусусиятлари турлича бўлиши мумкин. Улар эктраверт ёки интроверт бўлишлари, сенсорли ёки интуитив, кўпроқ ақлга таянадиган ёки ҳиссиётга берилиувчан, баҳолашга лаёқатли ёки таъсирунчан, ўткир зеҳнли бўлишлари мумкин. Ўз шахсий мойилликларига қараб улар ўқув материалини у ёки бу усулда ўрганишга (ўқиш, эшитиш ёки хатти-ҳаракатлар орқали) ва чет тилини ўрганишнинг у ёки бу хилдаги стратегиясига мойиллиги кузатилади. Тил ўзлаштиришдаги нутқий хатоларни содир этилишида шахснинг индивидуал хусусиятлари инобатга олиниши мақсадгага мувофиқ. Шунингдек, хатолар устида ишлаш ва хатоларни тузатиш жараёнларида ҳам шахсий сифатлар инкор этилмайди.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Ахмедова М., Шодиева Н., Рахманова Н. Интеллектуал фаолиятида ички нутқ // Academic research in educational sciences. TMA Conference. 2023. 4. 403-407.
2. Ахмедова М.Х. Жамият тараққиётининг тилдаги ўзгаришларга таъсири // Ilmiy tadqiqot va innovatsiya. Март 2023.2-том. 2-сон. Б. 21-26.
3. Белянин В.П. Психолингвистика. М. 2013.
4. Маркова А.К. Психология усвоения языка как средства общения. – М., 2004.
5. Ковшиков В. А., Пухов В. П. Психолингвистика. Теория речевой деятельности М., 1996. С. 141.
6. Леонтьев А.А. Язык, речь, речевая деятельность. – М., 1999.

7. Леонтьев А.А. Психолингвистические единицы и порождение речевого высказывания. – М., 1999. -С.57-58.
8. Лuria A.P. Язык и сознание. – Изд. 2-е. – Ростов на/Д., 2003.